
БИТИРУВЧИ ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Туман ҳоқими Беҳзод Ибрагимов туман ХТБга қарашли АКТга ихтисослашган 2-умумтаълим мактаби битирувчилари билан ҳам учрашди. Ҳоким битирувчи ёшларга давлатимиз томонидан яратилган шарт-шароитлар, имтиёзлар ҳақида гапириб, “Сизлар юртимизнинг эртаси, суянчисизлар. Шундай билим олингларки, келажакда юртимиз сизнинг илмингиз, салоҳиятингиз билан ривожлансин”, - дея ўз дил изҳорларини баён этди. Учрашувга тумандаги касб-ҳунар мактаблари ва коллежларидан вакиллар келиб, ушбу ўқув муассасаларида ёшлар учун яратилган имтиёз ва имкониятлар ҳақида ахборот бериб битирувчиларни ўқишга таклиф қилди.

2022-07-07 15:43:19